



Кизиллар кўшини миллий кўзғолонни бостириш учун 1919 йилгача асосан ўзининг Туркистондаги қисмларига суянар эди. Булар: собик чор аскарлари, курул билан таъминланган рус келгиндилари ва ихтиёрий кўшилган оломонлар ҳамда Биринчи жаҳон урушида асир тушган австрияликлар эди. 1919 йил августда Туркистон жаҳхаси ташкил қилиниши билан бу кўшин мустаҳкамланди. Бу жаҳхага бешта шўро-рус армияси бириктирилди. Бирок ҳозиргача кизиллар кўшинининг Туркистондаги ҳақиқий ҳарбий кучлари қанча бўлган-лиги номаълумлигича қолмоқда. Инглизлар маълумотида кўра, Туркистон жаҳхаси очилгунга қадар Туркистон кизиллар кўшинида 106000 аскар бор эди. Уруш ва қасалликлар ҳисобига йўқотиш натижасида 38000 аскар қолганди. Қатта талафотларга қарамай, кизиллар кўшини озодлик ҳаракати курашчиларининг ҳужумига бардош берди. Кизиллар кўшини жанговарлигини ошириш учун марказ мунтазам равишда курул билан таъминлаб турилди. Масалан, Туркистондаги кизиллар кўшинига 1918 йил 3 августда 14 000 тўп, 1000 тўппонча, 300 пулемёт ва 20 миллион ўқдори жўнатилди. Яна шу йилнинг 23 августда Али Жонгелди қузатувида кизиллар кўшини учун 2000 тўп, 2 миллион ўқдори ва 1000 га яқин бомба ва 7 пулемёт Царициндан Челкарга жўнатилди (Устинов. Ленинская политика, 30-б; Иркаев. История гражданской, 96-б.).

Туркистон жаҳхаси ташкилланиши билан Туркистондаги жанглар фожиаи ва қонли тус ола бошлади.

Туркистон жаҳхасининг мақсади кўзғолонни бостириш билан чегараланмасди. У Ёттисув ўлкаси ва Ҳазар денгизи атрофидаги оқ подшо кўшинидаги руслар кўшинини даф қилиш

Муаллиф:

01.03.2024 23:39 -

ва инглиз аралашувини ҳам (дастлабки тўқнашувлар 1918 йилда 25 апрель) бартараф қилиш вазифасини ҳам уддалаши лозим эди. Туркистон жаҳхаси қўшини 1920 йил сўнгида оқ подшо қўшинидаги руслар қучларини енгилга мушарраф бўлди. Инглизлар Туркистон уруши майдонидан ихтиёрий равишда чекиндилар. Шундай қилиб, Туркистоннинг катта уруш майдонида икки рақиб қуч қолди: қизиллар қўшини ва «босмачилик ҳаракати».

1918 - 1923 йилларда Туркистоннинг жанубида ўқ овози эшитилмаган, икки тарафдан одам қурбон бўлмаган бирор бир бурчак қолмади. Қизиллар қўшинида зирхли арава, зирхли поезд, учоклар, пулемётлар, тўп ва захарли газ қаби замонавий қуроллар бор эди. Озодлик қурашчилари бу ўлим қуроллари даҳшатидан қўқимади, ўлимга тик қолдилар. Ўлим улар учун айнан ҳаётнинг ўзи эди. Қизиллар қўшини аҳоли танглашиб қолган вақтда қўл ва саҳролардаги қудуқларга захар ташлашдан ҳам қайтмади. Босмачилик ҳаракатини сўндириш учун 1922 йил июнда тайёрланган режага қўра (бу режа Россия қуролли қучлари бош қўмондони Каменев, РСФСР инқилоб ва уруш қўмитаси аъзоси Рафесов ва Туркистон жаҳхаси қўмондони Фрунзе тарафидан тайёрланган эди) вазиятдан қелиб қикиб, босмачиларга қарши захарли газ қўллашни мўлжалларди. Миллий ҳаракатни бостириш борасида ҳарбий воситалардан ташқари ташвиқот тадбирлари ҳам муҳим роль ўйнади. Айниқса, шўролар миллий қураш раҳбарлари билан тинчлик музокаралари олиб боришни яхши қўришарди. Бу ҳусусда Туркистон Мухтор шўро социалистик жумҳурияти ҳукумати босмачилик масалаларини тадқиқ қилиш учун Фарғонага бир комиссия юборди (Ушбу комиссия аъзолари: Қарп Елисеевич Сорокин (Халқ ко-миссарлари шўроси раиси ва айни замонда комиссия бошлиғи); Ту-роқ Рискүлов, Турсунхўжаев (миллий масалалар комиссари); Бирлик (халқ таълим-тарбия комиссари), Хапталинский, Аббос Ҳоджаев ва Соқолов (сўнги уч нафари Туркистон марказий ижроия қўмитаси аъзолари). Бу комиссия 1919 йил 2 майида Фарғонага борди. Қиёсланг: Зевелев, За Советский, 101-6.) ва бу комиссия аъзолари қўзғолон етакчилари билан «оташ қес» учрашувлар бошлади билан дастлабки қадам ташланди (Аббос Ҳоджаев Мадаминбек билан учрашди. Сорокин Мадаминбекка бир мактуб ёзди. Турсунхўжаев Эргаш қўрбоши билан учрашди, аммо натижа бўлмади. Қиёсланг: Зевелев, За Советский, 105-6.). Бу комиссия озодлик ҳаракати раҳбарларига катта-катта ваъдалар берди: «Агар жанг қилишни тўхтатсангиз, деҳқонларга ва ҳунармандларга 10 миллион сўм берилади». Комиссия катта муваффақиятга эриша олмай қайтди. Сорокин «Фарғонада шўро ҳокимиятини учратмаганини» Тошкентга қелгач баён қилди. Аммо шўро раҳбарлари тинчлик учрашувлари ўтказиш умидидан воз қечмади. 1920 йил мартада Мадаминбек билан «тинчлик битими» тузилиб, бу борада дастлабки ютуқни қўлга қиритишди. Мадаминбекнинг бу иши босмачилик ҳаракати раҳбарлари томонидан «ҳиёнат» деб қабул қилинди. Қизил аскарлар қўшиннинг бу маънавий ютугининг таъсири улар қутганичалик бўлмади. Чунки Қизил аскарлар қўшини номидан «вақил» сифатида Шермухаммадбек билан қўришишга йўлга қиккан Мадаминбекни Ҳолхўжанинг йигитлари 1920 йилнинг 14 майида ўлдирди.

11 августда бўлган Туркистон Коммунистик партияси VI қонгресси ва 1921 йил 21-23 августда бўлиб ўтган шўроларнинг X қонгресси босмачилик ҳаракати билан тинчлик учрашувларини қуйидаги асосларга қўра давом эттириш ҳусусида қарор қабул қилди:

1. Босмачилик ҳаракати етакчилари билан алоҳида-алоҳида учрашиш ва бу учрашувлар мутлақо сиёсий мақсадларни қўзлаши лозим.

Муаллиф:

01.03.2024 23:39 -

2. Босмачилик ҳаракатининг турли лавозимдаги вакиллари билан музокаралар олиб боришга интилиш керак.

3. Босмачилар билан улар шўро тарафига ўтганда ва барча қуроолларини топширган ҳолдагина битим тузиш мумкин. Бунда қўрбошиларнинг ўзи билан қўп миқдорда қўриқчилар олиб қолиши ман қилинади.

4. Фарғонадаги учрашувларни бошқариш учун Туркистон комиссиясидан ҳамда Туркистон инқилоб ва уруш шўросидан бирор аъзо тайин қилиниши лозим(Шамагдиев. Очерки истории, 241-6.).

1921 йил августида шўролар тарафидан Г. В. Зиновьев (Шўро Русияси 1-армия қўмондони), Н. Тўракулов. Р. И. Березин ва А. Слуцкий Ёзёвонда Шермухаммадбек билан учрашувга келдилар. Тинчлик ўрнатиш учун Шермухаммадбек бошқа талаблари каторида ички сиёсатда тамомила мустақил бўлган мухтор Туркистонни эътироф қилиш ва қуроолларнинг ярмини топширмаслиги шартини қўйди. Комиссия бир қарорга кела олмади. Бу таклифларни ўрганиш учун ТКП МК ва РКП (б) нинг Туркистон бюроси Н. Тўракулов, А. Раҳимбоев ва Силинлардан иборат комиссия ташкил қилди. Бу комиссия 1921 йил 11 сентябрига қўп музокаралар олиб бориб, Туркистон мухторияти ҳақида қафолот у ёқда турсин, ҳатто ваъда ҳам бера олмади. Шундай қилиб, учрашувлар бекор қетди. 1921 йил 13 сентябрида Туркистон жаҳхаси қўмондони жангги қучайтиришни амр қилди. Худди шу кунни бутун Фарғонада «фавқулодда уруш ҳолати» эълон қилинди. Ҳолатнинг хўжайини энди рус қўшини бўлиб қолди. «Душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлаймиз!» шиори амалга қўчди. Зотан, 1920 йилда шўро ҳукумати раҳбарлари ўз аскарларига босмачиларни ачинмасдан, иккиланмасдан йўқ қилиш лозимлиги ҳақида фармон берганди(Зевелов, За Советский, 132-6.). Шунинг учун босмачилик ҳаракатига қарши қаратилган аёвсиз бу буйруқ янгилик эмасди. Шермухаммадбек билан учрашишдан аввал Туркистон шўро ҳукуматининг салоҳиятли аъзоларидан бири Тожибой Хўжа Маҳмуд билан кўзғолон йўлбошчиларидан Мастчоҳ беги Аҳмадхўжа ва Ўртатепа беги Авлиёхўжалар қуйидагича битимга келгандилар: «Тарафлар дўстликнинг мустаҳкамланишини ва икки томон орасида сиёсий, иқтисодий муносабатлар ўрнатилишини хоҳайдилар. Ҳар икки томон ҳам жангларни тўхтатади. Мастчоҳ беги ўз ўлкасига шўро муҳолифлари бўлган оломонни қиритмаслигини бўйнига олади»(Иркаев. История гражданской.. 108 - 109 б.). Бухоро халқ жумҳурияти намояндаси Отауллох хўжа Пўлатхўжа (Усмонхўжанинг укаси) Душанбедаги РСФСР консули Дуров, рус дивизияси намояндаси Шатов, муфтий Муҳаммадхўжалар иштирокида Балжувонда 1921 йил 12 августда бир шартнома тузилди. Бу шартнома бўйича: «Руслар Шарқий Бухородан чиқиб кетадилар, ҳокимият ерликлар қўлига берилади, ундан кейин озодлик мужоҳидлари Бухородаги уларнинг ҳукуматини тан олади ва қуроолларини ташлайдилар»(Иркаев. История гражданской, 280 - 281 б.). Вактдан ютиш мақсадида шўро тарафи ўз қелишув таклифларини ўртага ташламас, кўзғолончиларнинг баъзи раҳбарлари эса тинчлик йўли билан шўро қўшини чекинишини истардилар. Масалан, 1921 йил 20 декабрида Иброҳимбек Душанбедаги рус гарнизони қўмондонига шуларни ёзди: «Ўлкамизни ҳеч қийналмай, тўсикка учрамай тарқ этишингиз учун йўлларни бўш қолдирамиз, ихтиёрингизга қараганча отлар берамиз»(Иркаев. История гражданской, 308-6.). Бу таклифга қим жавоб берарди!

Русларнинг бу уринишларидан кейин ҳам босмачилик ҳаракатида бир кўзга қўринган ўзгариш бўлмади. Шунинг учун РКП [6] Ўрта Осиё бюроси (1920 йил 29 июлдан

Муаллиф:

01.03.2024 23:39 -

«Туркистон бюроси» деб аталган бу ташкилот 1922 йил 19 майдан «Ўрта Осиё бюроси» деб ўзгартирилди) 1922 йил 4 июнь чакиригида Туркистон коммунистлари ва шўро харбийларига шундай хитоб қилган эди: «Харбий курашнинг якунидан ҳеч қандай шубхага тушманг. Буюк шўро федерациясининг ёрдами кизиллар зафарини таъминлайди. Аммо зафар босмачилар ва Анвар пошога карши кураш асносида дехконлар орасида сиёсий фаолиятни йўлга қўйиш билан тезлашади ва осон қўлга киритилади». Дехконлар орасида ташвиқот инқилоб ва уруш шўросининг сиёсий маркази қошидаги Шаркий шуъбаси ва Туркистондаги «Татар тугайи» томонидан йўлга қўйилиши лозим эди(Шамагдиев. Очерки истории, 258 - 259-б.). 1919 йилнинг охиридан Фарғонада муваффақиятли жанг ҳаракатларини уюштирган Татар тугайи(Бу татар тугайининг етакчилари қуйидагилар эди: Юсуф Иброҳимов (тугай қўмондони), Якуб Чанишев (харбий комиссар), Еникеев (Сиёсий шуъба мудир), Вафо Бурнашев (сиёсий комиссар), Маматқосимов (қароргоҳ комиссари), Қаранг: Зевелов, за Советский, 125-126-б.) мусулмонлардан ташкил топиб, мужоҳидларнинг одат ва анъаналарини билиши(Масалан, Юсуф Иброҳим шундай баён қилади: «Бирликларимизнинг қўмондонлари ерлик халқнинг тилларига тушунади». Татар тугайи қароргоҳи бошлиғи Зариф Тагировга Жалолободда намоз вақтида кўриниш ва ўзини мусулмон аскар деб таништириб, халққа ёрдам бериш учун келганликларини гапириш вазифаси топширилган эди. Фрунзе бу Тугайдан Бухорога карши курашда ҳам яхши фойдаланди. Иброҳимов 1920 йили бошидан бери Туркистон жаҳхасининг Инқилоб ва Харбий шўроси аъзоси эди. 1920 йили охирида Бухоро Халқ жумҳурияси мудоффаа ноҳири бўлди. Қиёсланг: Ульянов, М. В. Фрунзе на Туркестанском фронте, Фрунзе, 1960, 24-бет.) сабабли шўроларнинг ишончли сиёсий қуроли эди. Бу Тугайнинг қисмлари мужоҳидларга катта зиён етказди. Масалан, 1920 йил 3 февралда Пойтуғда шўро қисмлари ва Мадаминбек йигитлари орасидаги жангда ҳар икки тарафдан 3000дан жангчи қатнашиши билан бирга Татар тугайдан ҳам бир қисм иштирок этган эди. Шўро татарларининг аскарлари Мадаминбек йигитлари орасига аралашиб кетиб, уларни нотўғри йўлга бошладилар. Мадаминбек жангда мағлуб бўлди. У жанг охирида Татар тугайи аскарларини ушлаб ўлдиришга буюрди. Чунки улар рус аскарларидан кўра ҳавфлироқ эди(Мадаминбекнинг энг яқин қишиси бўлмиш Ҳасан Ҳаким 1968 йил 28 апрелида Қобулда менга шундай деди: «Асли татар бўлган шўро аскарларининг миллий озодлик ҳаракати жангчилари (мужоҳидлар) учун катта таҳликали бўлганликлари, яъни ўзларининг мусулмонлигини айтиши ва маҳаллий одатларни яхши билганликлари сабабли йигитларни қалқаштирган ҳамда шу боисдан ҳам жосусликда жуда катта рол ўйнаган». Шунинг учун татарлар асир тушганда, мужоҳидлар уларнинг меҳнатидан фойдаланмас, рус мутахассислари (муҳандис, ҳақим, агроном)нинг эса муайян хизматида фойдаланилар эди.).

Анвар пошонинг Туркистон озодлик уруши саҳнасида пайдо бўлиши шўро Русияси раҳбарларининг қарди устига қипқон бўлди. Шунинг учун улар Анвар пошога карши алоҳида уруш усуллари қўллашга мажбур бўлдилар. Бу усуллар РКП (б) МҚнинг 1922 йил 18 майдаги «Туркистон ва Бухоро муаммолари ҳақида» қиларган қароридаги қарчада аниқ намоён бўлди:

2. Қенг халқ оммасининг тушунчасида шўролар қойдасига бир ўзгариш ҳосил қилиш учун ва босмачиликка қарши бошланган харбий тақбирларнинг муваффақиятини осонлаштириш учун Ўрта Осиё бюроси ва ўқ миллий марказ қўмитаси (Туркистон, Бухоро ва Хоразм муаллиф) ила шўро идоралари (давлат идоралари - муаллиф) биргаликда Анварга қарши шўролар қойдасига қенг қўламда қиёсий қўшилмага қиришиб,

Муаллиф:

01.03.2024 23:39 -

йигилишлар, партия аъзоси бўлмаганларга йирик анжуманлар ташкил қилиш топширилсин. Бунинг учун:

- а) Анвар пошо «инглиз жосуси» ва «Шарк миллатлари душмани» деб гап таркатилсин;
 - б) Туркистон, Бухоро ва Хива шўролари турклардан (Туркиядан келган) ва афгонлардан тозалансин;
 - в) урушни тарк этмокчи бўлган барча босмачилар афв этилсин;
 - г) вақф ерлари аввалги эгаларига топширилсин.
3. Ўрток Оржоникидзенинг Бухоро Туркистон коммунистик партиясини янгидан ташкил қилиш лойихаси тасдиқланди. Фақат бу лойиҳанинг амалга оширилиши кенг миқёсдаги ҳарбий зафарларга қадар кечиктирилади.
4. Тўлик ишончга сазовор бўлганлардан ташқари барча сўл қанот коммунистлари партиядан чиқариб юборилсин.
5. Бухоро ҳукумат халқ орасидаги обрўли дехконлар ва меҳнатқаш ерлик зиёлилар ҳисобидан тўлдирилиб, қайта тузилсин (Гап мустақил деб ўзлари тан олган суверен давлат ҳукумати «тозалаш» ҳақида бормокда. Бунақа «мустақиллиқни 70 йил давомида Ўзбекистон ҳам бошидан кечирди-таржимон»).
6. Русия учун ниҳоятда зарур бўлган молларни истисно қилган ҳолда, Бухоро ҳукуматида ташқи савдони йўлга қўйишга рухсат берилсин (Иркаев. История гравданской, 328 - 329 б.).

Бу ўриндаги 5 ва 6 моддаларга алоҳида эътибор беринг. Бу моддалар мустақил бир жумҳуриятнинг ички ишларига зўравонлик билан аралашидир. Чунки Бухоро билан РСФСР орасида Русиянинг Бухоро доҳили доирасида ҳукмронлик қилиши ҳақида ҳеч қандай яширин ёки очик битим тузилмаган. Анвар пошони «Шарк миллатлари душмани ва «инглиз жосуси» қилиб кўрсатиш шўро ташвиқотининг асоссиз даъвоси эди. Зотан, у инглиз жосуси эмас, аксинча, инглизларнинг душмани эканлигини тарихдананиқ биламиз. Миллий озодлик ҳаракатига қарши шўро уруш ва сиёсий раҳнамолари қўллаган усулларни бқр томонга қўйиб турайлик. Рус қўшини бу урушдан ҳаи қолиб қолганлиги тарихий бир ҳақиқатдир. Бу ҳусусда озодлик ҳаракати раҳбар қучлари уюшмаганлиги, марказлашган идорага эга эмаслиги ва ташқаридан ҳеч қандай ёрдам бўлмаганлиги шўро Русиясининг қолиб қолганига омил бўлди.

Ер юзида эркинлигини бой берган ҳеч бир миллат Туркистон халқининг миллий озодлик ҳаракатидаги қаби аёвсиз ва қонли уруш кўрмаган.

Рус қўшини миллий кўзғолонни бостиргандан кейин, кўзғолонда иштирок этган туркистонликлар жазолаш учунгина таъқиб қилинди. 1937 - 1938 йилларга чўзилган бу жазо муддатида йўқ қилинган туркистонликлар сони кўзғолон давридаги ўлганлардан қанча эмасди. Туркистондаги бу миллий озодлик урушининг (1918 - 1934] тарихи ҳали-ҳанузга ҳолис баён қилинмаган (1928, 8-сон, 11-6; Туркистонда босмачилик, МТ, 1966, 117-сон, 19-6: «Босмачилик ҳаракатининг тарихий масалаларига ёндашиш борасида қиёбатсизлик кўринади. Айрим ҳолатларни ҳисобга олмасак, миллий курашнинг бирорта раҳбари ўзидан ёзма равишда хотиралар қолдирмаган. Миллий курашда қатнашган бошқа қишлоқлар ҳам ана шу тарихий курашларга доир бир асар ёзиб қолдирмаган. Туркистондаги ёзма манбалар русларнинг қўлида. Ташқи ўлкаларда нашр қилинадиган «Ёш Туркистон» ва «Миллий Туркистон» қаби тўпламлардаги мақолаларда ҳам босмачилик ҳаракати тарихи тўлиқ ойдинлаштирилишини қутманг, чунки манба оз».).

Муаллиф:

01.03.2024 23:39 -

Шу билан бирга босмачилик ҳаракати ҳақида қўпчилиги «Ички уруш» (Умуман, Русия империяси учун ва унинг меросхўри СССР мафкураси учун ҳос белги-босиб олишни қўшиб олиш ёки ихтиёрий қўшилиш дейиш, босиб олишга, агрессияга қарши курашни, агар у рус агрессиясига қарши бўлса, уни «босмачилик» дейиш одатдир «Yeni Turkestan» (Худди шундан келиб чикиб, руслардан озод бўлиш ҳаракатининг номи ҳам Гражданлар урушидир - таржимон). Бу даврни ўрганишга бағишланган асарлар Шўро иттифоқида қўп(Босмачиликҳдракати ҳақидаги шўро манбалари кераклича бор. Улар библиографик таснифга мухтож. Шунинг учун бу асарда уларни зикр этиш техник сабабларга қўра имконсиздир. Шомағдиев. Очерки истории; Иркаев. История гражданской войны; Янтауров, Гражданская война каби асарларда адабиётлар индекси келтирилган. «Ички уруш ва интервенция» мавзусига оид шўроларнинг барча адабиётларида босмачилик ҳаракати муаммоси ўртага ташланмокда.). Бошқа давлатларда яратилган илмий ишларда Туркистондаги бу аянчли воқеалар ҳақида озрок бўлса ҳам аниқ манбаларга мос ҳолда ёритилган(Шўролардан ташқари мамлакатларда босмачилик ҳаракатига доир адабиётлар жуда қўп эмас. Бундан ташқари, чет элларда нашр этиладиган «Ёш Туркистон» ва «Янги Туркистон» тўпламларида бу мавзуга бағишланган қўп мақолалар бор.).

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан